

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ  
“BZONE CONSULTING CENTER” МЧЖ ҲАМДА  
ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕРНЕТ ТАДБИРКОРЛАР ВА ЭЛЕКТРОН САВДО АССОЦИАЦИЯСИ  
ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН

**“ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА  
ИННОВАЦИЯ УЙҒУНЛИГИ”**

**мавзусидаги**

**Республика 5-сон кўп тармоқли илмий-масофавий онлайн конференцияси 1-қисм  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

---

**“НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ В ОБНОВЛЕНИИ УЗБЕКИСТАНА  
И СОВМЕСТИМОСТЬ ИННОВАЦИЙ”  
РЕСПУБЛИКА 5 – НЕСКОЛЬКО НАУЧНЫХ РАССТОЯНИЙ  
МАТЕРИАЛЫ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ ЧАСТЬ 1**

---

**“SCIENCE, EDUCATION IN RENEWING UZBEKISTAN  
AND COMPATIBILITY OF INNOVATION”  
REPUBLIC 5 – MULTIPLE SCIENTIFIC DISTANCE  
MATERIALS OF ONLINE CONFERENCE PART 1**

**ТОШКЕНТ 2021**

## **ЎРТА ОСИЁ ЖАДИДЧИЛИГИННИГ ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ**

*Тўраева Умринисо Раҳматовна  
Бухоро давлат университети*

Жадидчилик ва жадид адабиёти бўйича ўзбек ва жаҳон олимлари томонидан салмоқли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Б.Қосимов, Н.Каримов, Ш.Юсупов, У.Долимов, Ш.Турдиев, Д.Қуронов, Н.Жабборов, Б.Каримов, И.Ғаниев, Ш.Ризаев каби ўзбек адабиётшунослари, шунингдек, америкалиқ Э.Оллворт, А.Холид, А.Лаззери, француз А.Беннингсон, олмон И.Балдауф, италиялик Марко Буттино, япон Х.Коматсу каби олимларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Бугунги қунга келиб, жадидчилик ва жадид адабиёти баробарида жадидшуносликни ўрганиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мавзу нафақат ўзбек олимларини балки ғарб тадқиқотчиларини ҳам қизиқтириди. Олмон олимаси Ингеборг Балдауф ҳам айни шу мавзу дорасида илмий изланишлар олиб бориб, ўзбек олимлари билан мавзу доирасидаги фикрларини ўртоқлашди. Биз “Ўрта Осиё жадидчилиги”ни синчковлик билан тадқиқ этишга ҳар қанча уринсақ, у ҳам бошқа барча “изм”лар каби биздан анча узоқлашиб, аста-секин сўниб бормоқда. Бунинг ҳеч қандай ажабланарли ўрни йўқ: бизнингча Кобул ва Кошғар, Бухоро ва Олмаота, Самарқанд ва Тошкент каби шаҳарларни ўз ичига олган худудда ўттиз йилча хукм сурган бу ижтимоий ҳодисанинг аниқ ва мукаммал тасвирини чизиб бера оладиган бирор киши топилмаса керак, дейди ўз тадқиқотида немис жадидшунос олимаси Ингеборг Балдауф. Ҳақиқатки, бу ўттиз йиллик ижтимоий ҳодиса жуда мураккаб кечган жараёнлардан иборат. Турли худудларда кечган бўлса-да, жараённинг мазмун моҳияти битта. Бу ҳам бўлса – озодлик ва маънавий эркинлик учун кураш. Ушбу ҳодисанинг иштирокчилари бир хил ғояга таянган ва бир мақсадни кўзлаган бўлсалар ҳам улар ижтимоий-иктисодий шароити, олган таълим тарбияси

жихатидан бир-биридан кескин фарқ қиласидиган турли тарихий муҳитга мансуб эдилар, айни пайтда улар тарихнинг бошқа бошқа сўқмоқларидан кетган эдилар. Шундай мураккабликлар туфайли Ўрта Осиё жадидчилигини ўрганишга ҳали эртароқ қўринади. Бинобарин, бу борадаги жиддий тадқиқот ишлари ҳам ҳали йўргакда турипти. Бу соҳадаги унчалик мукаммал бўлмаган билимимиз жуда юзаки ва масаланинг айrim жиҳатларинигина ёритиб берадиган салмоққа эга бўлиб, улар маълум бир мақсадни кўзлаган енгил-елпи хулосалардагина иборат, холос. Менимча, бундай ижтимоий ҳодисани биз танлаган макон ва замондан ташқарида рўй бераётган ўхшаш ҳодисалар билан таққослаш, бизни бундай нуқсонлардан халос этади ва Ўрта Осиёдаги жадидчилик табиатини, унинг айrim муҳим жиҳатларини яхшироқ тушунишимизга кўмаклашади.[1, 7-8бб]

Ингеборг Балдауф масала моҳиятини теран англаб, жадидчилик ҳаракати ва жадид адабиётини фарқлаган ҳолда ўрганишни маъқул кўради. Тадқиқотчи XX аср бошларида мусулмон дунёсидаги ислоҳотчилик ва янгиланиш жараёнида Ўрта Осиёда жадидчилик ҳаракатини баҳолар экан, соҳа тадқиқотчиларидан бири Адиб Холиднинг «жадидчилик» сўзига берган илк таърифини келтиради: “мусулмонлар жамиятини замонавий алоқа воситалари ва мулоқотнинг янги шаклларидан фойдаланиш орқали ислоҳ қилишга уринувчи шахслар “жадидлар” деб аталади.” [1, 9-10 бб]

Инглиз тадқиқотчиси Эдуард Лаззерининг таъкидлашича: “Татар жадидшуноси Исмоилбек Гаспринский ислоҳотчиликка даъват этишда “танзимат” яъни “тартибга солиш, тузатиш киритиш” атамасини қўллашни маъқул кўрган”. Гаспринский вафотидан сўнг Ўрта Осиёлик муҳлисларидан бири Рожий унга бағишлиб марсия ёзди. Марсияда Гаспринскийни “тафаккур мужаддиид” дея таърифлайди. Мусулмонлар наздида, бу сўз яъни “мужаддид” сўзи мўътабар зотларга нисбатан қўлланилган. Ҳадисларда келтирилишича, ҳар янги аср бошида Оллоҳ Ислом дунёсининг дастлабки давридаги анъаналарнинг

қайта тикланишига ёрдам бериш ниятида мусулмонлар жамиятига бир “мужаддид” юборар экан. Ингеборг Балдауф “мужаддид” сўзининг Гаспринскийга нисбатан қўлланилишини исломий мазмун моҳият асосида ўлчаб, унчалик маъқул эмас, негаки Гаспринский мавжуд исломий анъналарни қайта тиклашни эмас, янги ислоҳий тизим яратмоқликни назарда тутган эди, дейди. Ҳақиқатда, атама масаласи бошқа бир жиҳат. Беҳбудий ва Гаспринскийга мос тушадиган томони: иккаласида ҳам янгича қараш ва янгича яшаш тарзини миллатнинг онг шуурига сингдириш, миллатни ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан тараққий топтиришдан иборат эди .(таъкид бизники)

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият, 2001. Б –12-19.
2. XXаср бошида жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар. Жадидчилик. Т.: Университет, 1999, 1,0 б.т.
3. Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (жадидчилик,мухториятчилик,истиқлолчилик) Халқаро конференция материаллари, Т.: Маънавият, 2001.Б –14

**интернет сайтлари:**

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

[www.library.uz](http://www.library.uz)